

**Soxibov Asadulla Ibrgimovich**  
**Қарши давлат университети**  
**“Муסיқий таълим” кафедраси ўқитувчиси**  
**Email: [a.soxibov2024@mail.ru](mailto:a.soxibov2024@mail.ru)**

---

## **МУСИҚА САНЪАТИ ВА МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ -МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ МАНБАИ СИФАТИДА**

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақолада муסיқа ва муסיқий маданиятнинг назарий асослари ҳамда ўзбек муסיқа санъатининг ўтмишда ва ҳозирги кунда халқимизнинг маънавий савиясини оширишдаги аҳамияти баён этилган.

Шунингдек, ўқувчи-ёшларда муסיқа маданиятини ривожлантириш, уларнинг бадиий-эстетик маданиятини ошириш, муסיқа ўлкан таъсирчан кучга эга бўлган тарбия воситаси эканлигига оид фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Муסיқа, маданият, муסיқа санъати, миллий муסיқа, муסיқий маданият, кўшиқ, баркамол шахс, тарбия воситаси, инсон руҳияти, маънавий мерос, муסיқа оҳанги, халқ оғзаки ижоди.

## **МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО И НАЦИОНАЛЬНАЯ МУЗЫКАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА – КАК ИСТОЧНИК НАШЕГО ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ**

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье описаны теоретические основы музыки и музыкальной культуры, а также значение узбекской музыки в прошлом и настоящем в повышении духовного уровня нашего народа.

Также были высказаны мнения о развитии музыкальной культуры среди студентов, совершенствовании их художественной и эстетической культуры, а также о том, что музыка является средством воспитания, имеющим большое влияние.

**Ключевые слова:** Музыка, культура, музыкальное искусство, национальная музыка, музыкальная культура, песня, всесторонне развитый человек, образовательное средство, человеческий дух, духовное наследие, мелодия, народное искусство.

Маълумки, миллий маънавиятимиз ривожда бошқа санъат турлари қаторида муסיқа санъати ҳам муҳим ўрин тутди. Миллий муסיқа муסיқа санъатининг энг қадимий ва шу билан бирга, халқ оmmasига кенг тарқалган, унинг турмушига чуқур сингиб кетган соҳаларидан бири сифатида реал воқеликни акс эттиради. Муסיқанинг миллий маънавиятимизга таъсир кучи шу қадар каттаки, унинг ёрдамида халқ ҳаётидаги ижтимоий воқеликлар жараёнида байрамлар, тадбирлар, сайллар, ўйинлар кўтаринки руҳда ўтказилган. Шунингдек, беморларни даволаш мумкинлиги фанда ўз исботини топган. Жумладан, машҳур қомусий олим Абу Али Ибн Сино муסיқанинг таъсир кучига катта аҳамият бериб, айрим руҳий касалликларни муסיқа куйлари воситаси билан даволаш мумкинлигини эътироф этган. Яна бир қомусий олим Абу Наср Фиробий муסיқанинг ажойиб сеҳрли кучи, мўжизакор таъсири ҳақида фикр юритиб, ўзининг “Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида” асарида шундай ёзди: “Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувоzanатини йўқотган одамни тартибга келтиради, мукамалликка етмаган халқни

мукаммал қилади ва мувозанатини сақлаб туради”. Хусусан, миллий маданиятда мусиқа юксак туйғулар, завқ - шавқли ғоялар оламини очиб беради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий маданиятимиз ва миллий мусиқамизни қайта тиклаш, халқ оғзаки ижоди намуналарининг қуйланиши ҳаётимизда миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг янада қайта тикланиши амалий аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари узлуксиз таълим тизимида, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёшлар онгида мусиқий маданиятни шакллантиришга бўлган эътибор қаратилди, хусусан бу борада умумий таълим мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида мусиқа таълимига ҳам катта эътибор берилди.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий маданияти бўлиб, унинг асосини ўша миллатнинг бугунги кунгача етиб келган барча санъат намуналари ташкил қилади. Ана шундай санъат намуналаридан бири ўзбек миллий мусиқа маданиятидир. Унинг жамият тараққиётидаги ижтимоий-маданий фаолияти ижтимоий-фалсафий адабиётларда шахс аклий қобилиятларини ифодаловчи мусиқий маданият тушунча сифатида талқин қилинмоқда. Мусиқа – юнонча сўздан олинган бўлиб, инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури ҳисобланади [1]. Мусиқани ҳис этиш табиат таассуротлари остида туғилади, қолаверса, боғча ва мактабда шаклланиб боради. Мусиқа дарслари ўқувчиларни фақатгина нафосат жиҳатдан эмас, балки кенг маънода маънавий- ахлоқий жиҳатдан ҳам тарбиялайди.

Мусиқий маданият эса ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, инсон эстетик тафаккурини ривожлантирадиган, жамият ахлоқий-маънавий ҳатти-ҳаракатини тартибга солиб турадиган даражадир. Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларнинг бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Чунки, мусиқа инсоннинг узоқ тарихий даврлар давомида шаклланган ижтимоий фикри, ғоялари, ҳиссиёти ва дунёқарашидир. Қадимги мусиқа санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг бўлиб, улар ижтимоий турмуш, халқ анъаналари ҳамда маросимлари билан бевосита боғлиқ бўлган. Маънавий янгилашиш жараёнларида мусиқа маданиятига миллий-эстетик қадрият сифатида ёндашиш, мусиқанинг анъанавий ва замонавий йўналишларини янада раванқ топтириш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилди. Шуни таъкидлаш жоизки, мусиқанинг инсон дунёқарашига таъсири, жамият аъзоларининг эстетик идеалларини тарбиялаш билан боғлиқ ишларнинг умумназарий масалаларига янгича ёндашувлар шаклланди. Эндиликда мусиқа нафақат санъат тури балки, у тарбия воситаси, жамият барқарорлигини таъминловчи кучга айланди. Мусиқага шу нуқтаи назардан қаралганда, бугунги кунда унинг фалсафий моҳиятини ўрганиш, мазмунини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада ортганлигини кўриш мумкин. Бу жараён ўз навбатида, мусиқа ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини умумназарий масаласи сифатида ўрганишни тақозо этади.

Мусиқа маданияти – инсонларни эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади. Инсон ҳаётида кўшиқнинг ҳамиша ўз ўрни, ўз вазифаси мавжуд, у эрмакка тўқилмаган, ҳавасга айтилмаган, бекорчиликдан эшитилмаган. Кўшиқ кишиларни яшашга, курашга чорлаган, меҳнатга, муҳаббатга руҳлантирган, дарду қайғусига малҳам, бахту қувончига шерик бўлган. Кўшиқнинг халқ орзу-армонларининг ифодаси, халқ руҳиятининг кўзгуси ҳисобланиши шундан далолат беради. Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди. Шу боисдан мусиқа ҳамиша киши ҳаётининг ажралмас қисми, илҳомчиси бўлган, мусиқа туфайли инсон сезгилари ижтимоийлашади, фикр тиниклашади, борлиқни идрок этиш фаоллашади. Инсондаги меҳр-шавқатлилиқ ва ҳамдардлиқ сингари инсоний фазилятлар

миллий мусиқа маданияти орқали шаклланади ва камол топади. Мусиқа инсоннинг турли кайфиятларини ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, мусиқа ўлкан таъсирчан кучга эга бўлган тарбия воситаси, инсон руҳиятига ҳаёт бахш куч бера оладиган жон озиғидир. У кишиларнинг завқланиши, ҳузурланиши, роҳатланиши, мароқли дам олиши, таскин топиши, фикрлаши, фалсафий мушоҳада қилиши учун ёрдам беради.

Тарихга назар соладиган бўлсак, Ўрта Осиё мумтоз адабиётининг ажойиб ёдгорлиги ҳисобланган “Қобуснома” ўрта аср феодал жамияти мусиқий тафаккурининг шаклланиши ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаганлиги билан алоҳида ажралиб туради [2]. Халқимизнинг бадиий маданиятини кенгайтирмай, унинг мусиқа маданиятини ривожлантирмай туриб, маънавий ҳаётимизда пайдо бўлган ва асоратли из қолдирган инқирозларни бартараф этиб бўлмайди. Халқимизнинг бадиий-эстетик маданиятини юксалтирмақ учун мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда ўтилаётган мусиқа дарслари сифатини тубдан яхшилаш, мусиқа ўқитиш методини такомиллаштириш, ёш авлод қалбига миллий мусиқа оҳанглари олиб кириш, орқали уларда мусиқий маданиятни шакллантириш, мусиқани ҳис қилиш ва идрок этишни тарбиялаш зарур. Мусиқа муайян бир миллатнинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини ифода этар экан, юртимизда ҳам миллий мусиқаларимизни, халқ оғзаки ижоди намуналари ва қадимий тарихимизни ўрганишга, аждодларимиз қолдирган маданий меросни асраб-авайлашга катта эътибор берилмоқда. Чунки, миллий мусиқа маданиятимизда ўзбек халқининг минг йиллар оша тўплаган ҳиссий билим ва тажрибалари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари ўз ифодасини топгандир [3]. Демак, мусиқани инсон қалбига таъсирини инобатга олсак, унинг тарбиявийлик хусусияти фан - инсон - жамият - табиат муносабатларида қатор жиҳатлар билан намоён бўлади ва ёш авлодни маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, мусиқа, адабиёт, санъатга давлатимиз томонидан берилаётган эътибор ҳам унинг таъсир кучи ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар қалбида мусиқага бўлган қизиқишни ошириш, мусиқа санъатига суяниш, унинг асрий анъаналари ва намуналаридан ёш авлодни кўпроқ баҳраманд этиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбек миллий энциклопедияси. –Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2003й. 6-том.
2. Кайковус. Қобуснома. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006 йил, 210 бет.
3. Маннонов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. -Т.: “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа маркази. 2004 йил, 98 бет.